Haqsevar ona yurt, mangu bo`l obod!

TOSHKENT HAQIQATI

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

2026-yil
26-sentyabr
SHANBA
№ 78
(13939)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 | Haqiqat online | haqiqatonline_



▼ Қабул

МУРОЖААТЛАР ОРТИДА – ИНСОН ТАҚДИРИ

Инсоннинг ўз муаммосини очиқ айтиши, масъул раҳбарнинг эса уни диққат билан тинглаб, амалий чора кўриши – халқ билан мулоқотнинг энг муҳим мезони. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида бир оиланинг турмуши, тадбиркорнинг режаси, иш излаётган фуқаронинг умиди ёки ечимини узоқ вақтдан буён кутаётган муаммо мужассам.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонасида вилоят ҳокими Зойир Мирзаевнинг навбатдаги кенгайтирилган қабули ҳам ана шу тамойил асосида ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, банк ҳамда молия муассасалари масъуллари иштирок этиб, фуқароларнинг мурожаатларини бевосита ва видеоконференцалоқа орқали тинглашди.

Бу галги қабулда 300 нафардан зиёд фуқаро ўзини қийнаётган масалалар юзасидан мурожаат қилди. Уларнинг аксарияти уй-жой ва ер муносабатлари, бандлик, тадбиркорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш, электр таъминоти, йўл инфратузилмаси ҳамда ижтимоий ҳимоя каби долзарб йўналишларга тааллуқли бўлди.



Мурожаатларнинг бир қисми қабулнинг ўзидаёқ тегишли масъулларга йўналтирилиб, уларни ҳал этиш чоралари белгиланди. Қўшимча ўрганиш талаб этадиган масалалар бўйича эса масъулларга аниқ топшириқлар берилди.

– Кадастр ҳужжатлари билан боғлиқ муаммо юзасидан вилоят ҳокимига мурожаат қилдим, – дейди Ҳазрат Жўраев. – Бунгача ҳам тегишли мутасаддилар қабулида бир неча бор бўлган эдим. Аммо турли сабабларга кўра масалам ҳал бўлмай келаётганди. Қабулда вилоят ҳокими муаммомни диққат билан тинглаб, уни имкон қадар тезроқ ҳал этиш бўйича масъулларга топшириқ бердилар. Мурожаатимга эътибор қаратилганидан мамнунман.

Албатта, ҳар бир мурожаатни қабулнинг ўзидаёқ ҳал этиш имкони бўлмаслиги мумкин. Айрим масалаларни жойига чиқиб ўрганиш талаб этилади. Шу боис бундай мурожаатлар юзасидан ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, ҳудудлардаги вазиятни бевосита ўрганиш, муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни белгилаш вазифалари юклатилди.

Бундай очиқ мулоқотлар аҳолини ташвишга солаётган масалаларни жойида аниқлаш, уларни манзилли ўрганиш ва ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, раҳбарнинг фуқаро билан юзма-юз суҳбатлашиши муаммонинг асл моҳиятини англаш, унинг ҳал этилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш имконини беради.

Суҳробжон САДИРОВ
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

▼ Ҳамкорлик



Эрон делегацияси – Тошкент туманида

Эрон Ислом Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири бошчилигидаги делегация Ўзбекистон–Эрон қишлоқ хўжалиги бизнес-форуми доирасида Тошкент туманидаги “VERY BERRY” МЧЖга қарашли 12 гектарлик саноатлашган резавор мева боғида бўлди.

Ташриф давомида Мустақиллик маҳалласидаги “Ғиштқўприк агро” ҳудудида Туркия ва Европа давлатларидан келтирилган кўчатлар асосида йўлга қўйилган голубика етиштириш жараёни билан танишилди.

Учрашувда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, тажриба алмашиш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Эрон тадбиркорлари ўртасида боғдорчилик, иссиқхона хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти йўналишларида янги ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Viloyat bo‘ylab

Toshkent viloyati Maktabgacha va maktab ta’limi boshqarmasi boshlig‘i Shukur Burxonov ishtirokida BO‘KA tumanida sayyor qabul o‘tkazildi. Qabulda pedagoglar tomonidan ta’lim sifatini oshirish, o‘quv jarayonida zamonaviy metodikalarni qo‘llash, kasbiy mahoratni rivojlantirish va mehnat faoliyati uchun munosib sharoitlar yaratish yuzasidan takliflar bildirildi. Muloqot davomida jami 30 ga yaqin murojaat tinglandi. Ularning aksariyati joyida hal etilib, qo‘shimcha o‘rganish, vaqt yoki mablag‘ talab qiladigan masalalar mas’ullarga biriktirildi va ijrosi nazoratga olindi.

Toshkent viloyati hokimining birinchi o‘rinbosari Otabek Tursunov OLMALIQ shahar hokimi va tegishli mas’ullar hamrohligida "Oydin" dehqon bozorida bo‘lib, hududda olib borilayotgan ishlar bilan tanishdi. Tadbirkorlar bilan ochiq muloqot o‘tkazilib, ularning muammolari, taklif va murojaatlari tinglandi. Aholini doimiy va samarali ish bilan ta’minlash, yangi ish o‘rinlari yaratish, ishsiz fuqarolarni kasb-hunarga o‘qitish hamda daromadlarini oshirish borasida amalga oshirilayotgan ishlar holati muhokama qilindi.

TOSHKENT viloyati Xalq qabulxonasi binosida navbatdagi fuqarolar qabuli o‘tkazildi. Unda Toshkent viloyati hokimi o‘rinbosari Jahongir Mamajanov fuqarolarning murojaat va takliflarini tingladi. Ochiq muloqot ruhida o‘tgan qabul davomida fuqarolar tadbirkorlik faoliyatini kengaytirish, bandlik hamda ijtimoiy masalalar yuzasidan murojaat qildilar. Har bir murojaat atroflicha o‘rganilib, yechimini kutayotgan masalalar imkon qadar joyida hal etishga e’tibor qaratildi.

TOSHKENT tumanidagi mahallalarda aholini kambag‘allikdan chiqarish, bandligini ta’minlash va daromadlarini oshirish borasida amalga oshirilayotgan ishlar o‘rganildi. O‘rganish davomida fuqarolarning turmush sharoiti bilan yaqindan tanishib, ularni qiynayotgan masalalarni hal etish, ijtimoiy himoyasini kuchaytirish hamda mavjud imkoniyatlardan samarali foydalanish bo‘yicha olib borilayotgan ishlar tahlil qilindi. Hududni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, aholi daromadlarini oshirish va yangi ish o‘rinlari yaratish bo‘yicha vazifalar belgilandi.

▼ Бугуннинг гапи

Пенсия тизимини такомиллаштириш: янги таклифлар нимани кўзда тутади?



Пенсия таъминоти тизими инсоннинг кўп йиллик меҳнати ва жамият тараққиётига қўшган ҳиссасининг муносиб эътирофидир. Шу боис пенсия тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар, энг аввало, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, кексаликда муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган.

3

Ижодкорнинг олтин дафтари

4

АИЧИ–НАГОЯ–2026: КАНОЭДАН КУМУШ, ЭШКАК ЭШУВЧИЛАРИМИЗДАН БРОНЗА!

▼ Хушхабар

Аичи–Нагоя–2026 XX ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон делегацияси навбатдаги медални қўлга киритди.



Ўзбекистон терма жамоаси каноэ эшиш бўйича 500 метр масофага кечган баҳсларда вилоятдошимиз Артур Гулиев ва Владлен Денисов жуфтлиги муваффақиятли иштирок этиб, 2-ўринни эгаллади ва кумуш медалга сазовор бўлди.

Артур Гулиевнинг Осиё ўйинларидаги ушбу муваффақияти нафақат унинг шахсий фаолиятидаги, балки Тошкент вилояти спорти учун ҳам муҳим натижалардан биридир.

Эшкак эшиш спорт тури бўйича эркаклар ўртасидаги жуфтлик (M2-) дастурининг финал баҳсида Максим Голубев ва Тошкент вилояти фарзанди Алишер Турдиев муносиб иштирок этиб, 6:32.34 натижа билан фахрли 3-ўринни эгаллади.

Шу тариқа, юртдошларимиз Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига навбатдаги бронза медалини қўшишди.



1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

“ИККИ”М “ТЎРТ” БЎЛГАН КУНИ...

1978 йиллар. Мен Ирригация институтининг иккинчи босқичида ўқирдим. Ҳаёт ҳақидаги тасаввурларим энди-энди шаклланаётган, олдинда ҳали қанча йўл, қанча синовлар борлигини тўла англаб етмаган пайтларим эди.



Физика фанидан бизга ҳозирги ЧДПУ ректори, профессор, таниқли фан арбоби Ғафуржон Муҳамедов дарс берарди. Домланинг дарс ўтиш услуби бошқаларникидан бироз фарқ қиларди. Мураккаб физик қонун-қоидаларни оддий ҳаётий мисоллар билан тушунтирар, бирор талаба савол берса, унинг гапини бўлмасдан охиригача эшитарди. Кейин жавобини шошмасдан, талаба тушунадиган тарзда изоҳларди. Шу боис унинг дарсларида фақат фанни эмас, фикрлашни ҳам ўрганардик. У аудиторияга кириши билан хонада тартиб пайдо бўларди. Барчамиз диққатимизни дарсга қаратардик.

Орадан қанча йиллар ўтса ҳам қишки имтиҳонни қандай топширганим ҳамон ёдимда. Имтиҳон столи устида билетлар тартиб билан териб қўйилган. Навбат менга келгач, улардан бирини олдим. Саволларга кўзим тушиши билан юрагим шувиллаб кетди. Етарлича жавоб беролмаслигимни билдим. Балки шунда масъулиятсизлик қилгандирман ёки айнан мен тайёрланмаган мавзулар тушгандир.

Фикрларимни жамлай олмадим. Чалкашиб кетаверди. Шундай ҳолатда анча ўтирдим. Ниҳоят, домланинг ўзи чақириб олди. Учта саволдан бир-иккитасига зўрға жавоб бердим.

– Тайёргарлик кўрмабсиз-да, – деди мулойимлик билан.

Мен: “Шундай бўлиб қолди...” дея олдим, холос.

Домла мени койимади. Овозини баландлатмади. «Нега ўқимадинг?» деб узундан-узоқ насиҳат ҳам қилмади. Бир неча савол берди-да, жавобларимни яна бир бор эшитди. Кейин “зачёткам”ни қўлига олиб, шошилмай варақлади. Бироз сукут сақлади. Ичимда “Энди икки қўяди”, деб ўйладим. Сўнг яна савол берди. Мавзу ҳақида тасаввурга эга эканимни билди шекилли:

– Кейинги сафар яхшилаб ўқиб келарсиз, – деб, “тўрт” қўйиб берди.

Бир зум жойимдан қўзғала олмадим. Хурсанд бўлиш ўрнига мени хижолат ҳисси қамраб олганди. Бу менга берилган “юмшоққина” танбеҳ эди. Аудиториядан чиқар эканман, айтган гапи қулоғим остида жарангларди.

Билдирилган ишончни оқлаш учун кейинги сессияга пухта тайёрландим. Аммо имтиҳон куни бошқа ўқитувчи кирди.

Шу-шу домла менинг хотирамда бағрикенг, шогирдининг эртанги кунига бефарқ бўлмаган олижаноб инсон сифатида сақланиб қолди. Талабалик даври ҳам тугади. Ҳаёт ўз ташвишлари, ўз синовлари билан давом этди. Аммо ўша воқеа менинг хотирамда узоқ сақланди. Айниқса, кимнингдир хатосини кўрганда ёки бирор инсонга иккинчи имконият бериш керак бўлган вазиятларда ўша манзара хаёлимга келаверар эди. Орадан неча ўн йиллар ўтиб, Ғафуржон Муҳамедовни яна Чирчиқ давлат педагогика университетига ректор бўлиб келганида учратдим. Юзлаб талабалар орасида балки мени эслаб қолмагандир. Аммо ўша воқеани мен умр бўйи унутмадим. Устозни ҳар кўрганимда, гўё талабалик йилларимга қайтгандек бўлардим. У кишининг ташқи қиёфаси йиллар таъсирида ўзгарган бўлса-да, босиқлиги, камтарлиги, одамга муносабатидаги самимият аввалгидек эди.

Бугун ортга назар ташласам, ўша куни домла менга оддий баҳо қўймаган экан. У менга ўз хатоимни англаш ва уни тўғрилаш учун имконият берган экан. Ҳаётда баъзан бир оғиз илиқ сўзнинг ўзи ҳам катта тарбия эканини англатган экан. Ҳақиқий устознинг энг катта сабоғи ҳам шу бўлса керак.

Саодат МУСАЕВА,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси

ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Таълим сифати, аввало, мактабда дарс бераётган ўқитувчининг билими, маҳорати ва ўз касбига бўлган садоқати билан белгиланади. Шу боис бугун мамлакатимизда педагогларнинг касбий салоҳиятини ошириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва илғор тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган «Йил ўқитувчиси» танлови ҳам ана шу эзгу мақсадларнинг амалий ифодаси бўлди. Жорий йилда ўтказилган мазкур танловда республика бўйича 46 минг нафардан ортиқ педагог иштирок этди. Улар орасидан 208 нафар ўқитувчи туман ва шаҳарлар кесимида ғолибликни қўлга киритди.

Ғолибликни қўлга киритган педагоглар қаторида Нурафшон шаҳридаги 32-умумий ўрта таълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Мунира Бердиева ҳам бор.

Мунира асли Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидан. У 2010 йилда Бухоро давлат университетини тамомлаб, меҳнат фаолиятини Қоракўл туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабида она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси сифатида бошлаган.

Қарийб беш йилдан буён эса Нурафшон шаҳридаги 32-умумий ўрта таълим мактабида ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда. Унинг касб танлашида болаликдан илмга бўлган қизиқиши муҳим ўрин тутган. Бу интилиш йиллар ўтиши билан сўнмади, аксинча, ўз устида мунтазам ишлаш, янги билим ва тажрибаларни эгаллашга ундади.

Мунира Бердиева педагогик фаолияти давомида ўз билими ва маҳоратини намоён қилди. Жумладан, Вазир жамғармаси



иштирок этиб, муносиб натижаларга эришиб келмоқда.

Ўқувчиларининг ютуғи устоз учун энг катта рағбатдир. «Йил ўқитувчиси» танловидаги ғолиблик эса Мунира учун кутилмаган ва қувончли воқеа бўлди.

– Танловнинг кейинги босқичларида иштирокчиларнинг нафақат педагогик маҳорати, балки уларнинг дунёқараши, билими ва маънавий салоҳияти ҳам синовдан ўтказилди, – дейди Мунира. – Қуйи Чирчиқ туманидаги 45-сонли махсус мактабда бир соатлик очиқ дарс ўтилди. Маънавий-маърифий тақдимотлар намойиш этилди, Президент асарлари ва бадиий адабиётлар юзасидан тест синовлари топширилди. Бу синовларнинг ҳар бири педагогдан пухта тайёргарлик, кенг дунёқараш ва ўз касбига чинакам масъулият билан ёндашишни талаб қилади.

Мунира Бердиеванинг оиласи унинг касбий фаолиятидаги энг яқин таянчи. Турмуш ўртоғи Санжар Сафаров билан бир қиз ва икки ўғилни тарбиялаётган муаллима оила ва мактабдаги масъулиятини жуда яхши ҳис қилади. Бугун у «Йил ўқитувчиси» танлови ғолиби сифатида нафақат нурафшонлик ўқитувчилар, балки ўз касбига садоқат билан меҳнат қилаётган минглаб педагогларга намунадир.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

устамасига эга бўлди. 2025–2026 ўқув йилида педагоглар аттестациясида 86 балдан юқори натижа қайд этиб, 70 фоизлик устамага сазовор бўлди. Шунингдек, она тили ва адабиёт фани бўйича миллий сертификатнинг А+ даражасини қўлга киритиб, 50 фоизлик устама олди. Мактаб директори жамғармаси ҳисобидан эса 35 фоизлик устамага эга.

Моҳир педагог учун мактаб фақат билим бериладиган жой эмас. Бу ерда ўқувчининг қизиқиши уйғонади, дунёқараши шаклланади, китобга ва илмга меҳри ортади. Мунира Бердиева мактабда «Ёш китобхон», «Жадидлар» тўгаракларига раҳбарлик қилади. Унинг шогирдлари «Ёш китобхон» кўрик-танловларида фаол

Шавкат Миралимовнинг шарафли йўли

Инсон умрининг мазмуни босиб ўтган йўли, эл-юртга қилган хизмати ва қолдирган эзгу излари билан белгиланади. Шавкат Миралимовнинг ҳаёт ва меҳнат йўлига назар ташлар экансиз, журналистика, илм-фан, ташкилотчилик ва миллий қадриятларимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган фидойи инсон қиёфаси кўз олдингизда гавдаланади.

У 1942 йил 4 майида Тошкент шаҳрида туғилган. 1969 йилда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини, 1980 йилда Москвадаги Ижтимоий фанлар академиясини тамомлаган. 1984 йилда тарих фанлари номзоди илмий даражасини олган.

Меҳнат фаолиятини 1963 йилда «Сирдарё ҳақиқати» газетасида бошлаган Шавкат Миралимов кейинчалик «Ёш ленинчи» газетаси ва «Кино» журнали таҳририятларида ишлади. 1969-1983 йилларда Тошкент вилояти ёшлар ташкилоти ҳамда партия қўмитасида турли лавозимларда фаолият юритди.

Ёшлар ташкилотида ишлаган йилларида кўплаб истеъдодли ижодкорларнинг камол топишига кўмаклашди.

Шунингдек, Тошкентдаги «Ёш гвардия» полиграфия комбинати қурилиши, «Ёшлик» журналининг таъсис этилиши, «Ёшлик» телеканалида машҳур «Зеҳн» интеллектуал телекўрсатувининг ташкил этилишида ташаббускорлик кўрсатди.



«ЯЛЛА»НИНГ ИЛК ҚАДАМЛАРИ

Шавкат Миралимовнинг ёшлар ташкилотидаги фаолияти ҳақида сўз кетганда, жаҳонга машҳур «Ялла» ансамблининг шаклланиши билан боғлиқ воқеаларни эсламаслик мумкин эмас.

Ансамбль тарихининг бошланиши Театр ва рассомчилик институти билан боғлиқ. Институт ўқув театри директори Герман Рожков ва композитор Евгений Ширяев «Тошкент сиёсий эстрада қўшиқлари конкурси»да қатнашиш учун янги жамоа тузишга киришади. Улар вилоят ёшлар ташкилоти раҳбари Аъло Хўжаевга мурожаат қиладилар.

Аъло Хўжаев ташкилотчилик қўмитаси раиси ўринбосари Шавкат Миралимов билан бирга жамоанинг репертуари билан танишади ва ёш санъаткорларни қўллаб-қувватлашга қарор қилади. Уларнинг репетицияларида иштирок этиб, янги қўшиқлар яратилишига ҳам кўмаклашади.

«Театр студия ансамбли» номи билан танловда қатнашган жамоа финал босқичида томошабинлар симпатияси мукофотига сазовор бўлади. Кейинчалик бу жамоа «Ялла» ансамбли сифатида танилиб, ўзбек эстрада санъатининг ёрқин вакилларидан бирига айланади. Унинг дастлабки қадамларида ёшлар ташкилоти, жумладан, Шавкат Миралимовнинг кўмаги ҳам муҳим ўрин тутган.

МАТБУОТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

1984-2003 йилларда Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган Шавкат Миралимовнинг ташкилотчилик маҳорати, айниқса, шу даврда яққол намоён бўлди. У 1988 йилдан Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ҳайъати аъзоси, 1987 йилдан халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати сифатида ҳам фаолият юритди.

Унинг раҳбарлиги даврида вилоятдаги туман ва шаҳар газеталари таҳририятларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, босмахоналарни замонавийлаштириш, ижодий жамоаларни ёш кадрлар билан тўлдириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Ўша йилларда газеталарни чоп этиш осон бўлмаган. Босмахоналарнинг аксарияти эски жиҳозлар билан ишлар, кадрлар ва маблағ етишмаслиги туфайли кўплаб муаммолар юзага келарди. Газета матнларини қўрғошиндан тайёрланган қолиплар ёрдамида босишга тайёрлаш катта машаққат талаб қиларди. Ҳатто биргина имловий хатонинг ўтиб кетиши ҳам бутун бир қаторни қайта тайёрлашга сабаб бўларди.

Шундай шароитда Шавкат Миралимов босмахоналарнинг аҳволини бевосита ўрганишга алоҳида эътибор қаратди. Ойда бир марта ўтказиладиган ҳайъат йиғилишларини туман ва шаҳарлардаги босмахоналарда ташкил этиб, муҳаррирлар ва масъулларнинг иш тажрибасини ўрганишларига шароит яратди.

НАВРЎЗНИ ТИКЛАШ ВА АСРАШ ЙЎЛИДА

Шавкат Миралимов ҳаётидаги энг муҳим саҳифалардан бири – миллий қадриятларимизни, хусусан, Наврўз байрамини асраш ва қайта тиклаш йўлидаги фаолиятидир.

1986 йилда Наврўз байрамини нишонлаш тақиқланган оғир даврда у қадимий байрамимизнинг тарихий илдизлари ва маънавий аҳамиятини тарғиб қилишдан тўхтамади.

1988-1989 йилларда унинг Наврўз ҳақидаги мақолалари «Тошкент оқшоми», «Ташкентская правда» газеталарида чоп этилди. Бу материалларда муаллиф халқимизнинг азалий байрами, унинг урф-одат ва анъаналаримиздаги ўрни ҳақида фикр юритди.

1989 йил март ойида эса «Ўзбекистон» нашриётида 19 нафар муаллифнинг мақолаларини жамлаган «Наврўзи олам бугун» тўплами 50 минг нусхада, рус тилидаги нашри 30 минг нусхада чоп этилди. Бу нашр Наврўзнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда муҳим аҳамият касб этди.

Унинг Наврўз ҳақидаги мақолалари бугун ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Жумладан, 2025 йил 26 мартда Лондондаги «Eurasianstar» ахборот порталида устознинг байрам ҳақидаги мақоласи инглиз тилида эълон қилинди. Унда Наврўзни тиклаш ва тарғиб қилишда хизмат қилган 21 нафар фидойи инсоннинг номлари тилга олинган.

УСТОЗЛИК – МАСЪУЛИЯТ

Шавкат Миралимов 1983 йилдан буён Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида доцент сифатида талабаларга сабоқ бериб келмоқда. У «Янгиликлар журналистикаси», «Газета таҳририяти ишини ташкил этиш», «Журналист текшируви», «Туман матбуоти: муаммо ва ечим» каби фанлардан дарс беради.

Кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида ўнлаб битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилди. Устоз раҳбарлик қилаётган «Маҳорат мактаби»да журналист текшируви бўйича машғулотлар қизғин баҳс-мунозараларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу жараён ёш журналистларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини, касбий масъулияти ва фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилади.

Унинг устозлик фазилатлари ҳақида филология фанлари доктори, профессор Мухтор Худойқулов ҳам алоҳида тўхталган эди. «Камтарга камол» сарлавҳали мақоласида у Шавкат Миралимовни камтарин, дўстларга меҳрибон, ўз ишига талабчан инсон сифатида таърифлаб, журналист сифатида жамият ҳаётининг муҳим масалаларини матбуотда кўтарганини эътироф этган.

Устознинг ижодий ва илмий мероси ҳам салмоқли. Унинг 20 дан ортиқ монография, китоб, рисола ва ўқув-услубий қўлланмалари, кўплаб мақолалари нашр этилган.

Фидокорона меҳнати муносиб тақдирланган. Қатор эсдалик нишонлари билан мукофотланган. 2018 йилда биринчи даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонига сазовор бўлган.

ҲАЁТДАН ОЛИНГАН САБОҚЛАР

Устозимиз Очил Тоғаев журналистларни ижодкор, ташкилотчи ва тадқиқотчи каби уч тоифага ажратарди. Ижодкор журналист қайси лавозимда ишламасин, қаламини қўлдан қўймайди. Ташкилотчи журналист эса соҳанинг ривожи учун зарур ишларни амалга оширади. Тадқиқотчи журналистнинг асосий вазифаси эса воқеа-ҳодисаларни чуқур ўрганиб, ҳақиқатни излашдан иборат.

Шавкат Миралимов фаолиятида ана шу уч жиҳатнинг барчаси мужассам. Унинг ташкилотчилик маҳорати матбуот соҳасидаги раҳбарлик фаолиятида, ижодкорлиги мақола ва китобларида, тадқиқотчилик қобилияти эса илмий ишларида намоён бўлди.

Унинг замондошлари ҳам бу фазилатларни алоҳида эътироф этишади. Жумладан, таниқли публицист Фатхиддин Муҳиддинов «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2025 йил 6 сентябрь сонида эълон қилинган «Умрнинг унутилмас лаҳзалари» мақоласида Шавкат Миралимовнинг вилоят матбуоти ривожига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаган. Унинг ёзишича, Шавкат ака раҳбарлигида таҳририятлар ўз биноларига эга бўлиб, маҳаллий босмахоналарнинг моддий-техник таъминоти яхшиланган, ижодий жамоалар истеъдодли ёшлар билан мустаҳкамланган.

Фатхиддин Муҳиддинов яна бир муҳим ташаббусни эслайди. Шавкат Миралимов раҳбарлигида ташкил этилган журналистлар малакасини ошириш мактабида ўша даврнинг таниқли олимлари, файласуфлари, нотиқлари ва бош муҳаррирлари маърузалар ўқишган. Бу мактаб орқали 50 нафардан ортиқ истеъдодли ёшларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олишларига имконият яратилган.

БАХТЛИ УМР, ИБРАТЛИ ХОНАДОН

Инсоннинг бахти аввало оиласидаги осойишталик, меҳр-оқибат ва фарзандлар камоли билан ўлчанади. Шавкат Миралимов ҳам ҳавас қилса арзигулик бахтли хонадон соҳиби. Умр йўлдоши Света она билан бирга олти фарзанд, ўн нафар набира ва тўрт нафар эваранинг камолини кўриб, умргузаронлик қилмоқда.


Журналист, олим ва ташкилотчи сифатида кўп йиллик тажриба тўплаган Шавкат Миралимовни жонли қомусга қиёслаш мумкин. Бугун ана шу ҳаёт мактабидан баҳраманд бўлаётган журналистика факультети талабалари ҳам устознинг бой тажрибаси ва сабоқларидан баҳраманд бўлиб келмоқда.

Тўлқин ЭШБЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Тўйхат

Ҳозирги кунга келиб, ҳар бир дақиқамиз шу қадар тезлашиб кетяптики, уни илғаш жуда мушкул. Дўстлар, яқинлар билан телеграм каналлар орқали ёзишиб, турли тармоқлар орқали хабарлашиб турамиз. Аммо, қўнғироқ қилишлар билан кифояланиб, жонли мулоқотлардан ҳам узоқлашиб боряпмиз чоғи...

“Юрак бўронлари” ҳали тинмайди



Куни кеча узоқ йиллар бир таҳририятда ишлаган яқинимни туғилган кунидан хабар топиб, уни табриклаш учун яхши тилаклар билдиргим келди ва телеграмдаги манзилига дил сўзларни ёзишга киришдим. Санасига қўзим тушди-ю, шу қадар кунлар тез ўтганига яна бир бор ҳайратландим.

Шунда телеграм тармоқда Ашурали Жўраевдан келган бир хабар эътиборимни тортди. Нима гап экан, деб қарасам, ака етмишга киргани муносабати билан ижодий кечага таклифнома экан.


Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида салкам ўн беш йил бирга ишлаган, бир-биримизнинг оилавий тадбирларимизда қўл чўзган, елкадош ва дардкаш бўлган Ашурали Жўраев бугун муборак етмиш ёшни қарши олганлиги мени ўша дамларга назар ташлашга чорлади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари эди. Газета кўплаб соҳалардаги энг долзарб муаммоларни кўтариб, уларга ечим топиш учун ўз қарашларини дадил ошкор этаётган пайтлар. Ўша пайтларда Ашурали ака ўттиз ёшлар атрофидаги шижоатли йигит эди. Бош муҳаррирнинг топшириқларидан ортиб, ўз устида изланиб, бор имконияти ва салоҳияти билан ижод қилишга киришган дамлар. Газетанинг ҳар бир сонига, албатта, бир мақола ёки суҳбат тайёрлашда етакчи эди. Уларда, албатта, халқ дарди ва умидлари ўз ифодасини топарди.

Талабчан, ўз ҳаёт йўлини, бутун борлиғини газетасиз тасаввур эта олмайдиган Одил Ёқубов, Иброҳим Ғафуров, Маматқул Ҳазратқулов сингари ижодкорлар билан бир сафда ижод қилиш енгил кечмаган. Бунинг учун билим, салоҳият ва чидам бўлиш шарт эди. Ашурали эса телевидениедаги савияси паст кўрсатувларни нишонга олди ва кўплаб муҳокама ҳамда баҳсларга сабаб бўлди.

Ўша куни Ашурали ака таҳририятда навбатчи эди. Кечга томон тўртта саҳифани олиб кириб бердим. У пайтлар ҳозиргидек техника йўқ. Бир уюм қоғозлар ичида ўралашиб ижод билан банд эканлар. Орадан анча вақт ўтиб саҳифаларда тузатишлар бўлса, қолиб кетмасин, деб хабар олдим. Шунда: “Ука, ҳозир қараб бераман. Тўхтанг, сарлавҳаларда хато йўқми, келинг, қўл қўйиб берай” – деб ҳазил қилдилар. Кейин билсам ўша дамларда Ботир Зокиров хотирасига бағишланган китоб устида қизғин иш кетаётган экан. Орадан кўп ўтмай “Юрак бўронлари” номли китоб нашр этилди.

Кўп ўтмай Ашурали Жўраев



одамлигини эшитиб, ўзимни унинг олдида катта бир ижодкордек ҳис қилгандим. Лекин у инсон билан суҳбат чоғида ҳали ҳеч нимани билмаслигини англадим. Қаршимда камтар, самимий инсон ўрнида аслида катта тоғ пайдо бўлган эди. Бу шунчаки оддий гап эмас. Китоб нашр қилинишидан аввал бир саҳифа мақола босилган эди. Мақола нашр этилгач, ўқувчилардан ярим қопдан зиёд мактуб келди. Шулар асосида ва Ботир акани билган, таниган кимики бўлса, барчасидан хотираларни ёзиб олганман ва бу изланишларим давом этмоқда. Ботир Зокиров, Юртбошимиз айтганидек, ўзбек эстрада санъатининг асосчиси. У ҳақда ҳали кўп ёзилади.

Ашурали Жўраев ижодий фаолияти давомида кўплаб бадиий, публицистик асарлар ёзди ва ёзмоқда.

Унинг “Йўл бошида”, “Тошбақалар пойгаси”, “Юрак бўронлари”, “Ўқ узган ким?”, “Сенга кўнгил берсам”, “Дил гавҳари”, “Танимадинг-а?”, “Саҳифага сиғмаган сатрлар”, “Майсалар уйғонган тонг”, “Онажон” каби ўнлаб бадиий ва публицистик асарлари ўз мухлисларига эга.

Бугун муборак етмиш ёшни қарши олган серқирра ижодкор, ёзувчи, публицист, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Ашурали Жўраев Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ёшларга сабоқ бериш билан бирга ижодда ҳам қалам тебратиб келмоқда. Ўз таъбири билан айтганда, журналистика – бу тинимсиз меҳнат. Ана шу меҳнат унга завқ бағишлайди, куч беради, шижоатга ундайди. Бу йўлда устозга куч ва қувват ҳамроҳ бўлишини чин дилдан тилаймиз.

Асрор СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Инсон қадри – меҳнатда, меҳнат қадри – эътиборда

Кишининг ўз қўли билан яратган меҳнат маҳсули, топган даромади ва жамиятдаги ўрнига эга бўлиши унинг ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Айниқса, ногиронлиги бўлган инсонлар учун ўз қобилияти ва истеъдодини намоён этиш, эл-юртга наф келтириш имкониятининг яратилиши беқиёс аҳамиятга эга.

Кўргазма



Нурафшон шаҳрида ташкил этилган «Инсон учун» кўргазма-савдоси ана шу эзгу мақсадга хизмат қилиши билан эътиборга молик. Унда вилоятнинг турли ҳудудларидан келган тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни намойиш этиб, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг меҳнат салоҳияти ва тадбиркорлик имкониятларини кенг жамоатчиликка тақдим этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармасида ўтказилаётган тадбир вилоят ҳокимлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазма-савдода вилоятнинг 22 та туман ва шаҳридан келган, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаётган 20 нафардан ортиқ тадбиркор ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Харидорлар эътиборига эса 100 дан зиёд турдаги маҳсулотлар ҳавола этилди.

Кўргазма залларини айланар экансиз, ҳунармандчилик буюмлари, замонавий ва сифатли мебеллар, тикувчилик маҳсулотлари, озиқ-овқат ва бошқа турдаги товарларга кўзингиз тушади. Ҳар бир буюмда яратувчининг меҳнати, маҳорати, изланиши ва масъулияти акс этган. Бу ерда оддий бир маҳсулотнигина эмас, балки инсоннинг ўз имкониятларига бўлган ишончи, ҳаётга интилишини ҳам кўриш мумкин.

«Инсон учун» кўргазма-савдоси доирасида тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиш истагида бўлган ташкилот ва корхоналар вакиллари иштирокида учрашувлар ҳам ташкил этилди. Уларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалалари муҳокама қилиниб, тегишли шартномалар имзоланди. Бу эса кўргазма-савдонинг фақат маҳсулотларни намойиш этиш ва харид қилиш билан чекланмай, тадбиркорлар учун янги ҳамкорлар топиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратишга ҳам хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатади.

Шунингдек, ташриф буюрувчиларга кўргазмага қўйилган маҳсулотларни харид қилиш учун қулай имкониятлар яратилди. Аҳоли нафақат сифатли маҳсулотларни харид қилиш, балки ўз меҳнати билан ҳаётда муносиб ўрин топишга интилаётган инсонларни қўллаб-қувватлаш имконига ҳам эга бўлди.

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳимоя фақат ёрдам қўлини чўзишдан иборат эмас. Инсоннинг қобилиятини юзага чиқариш, меҳнат қилиши учун шароит яратиш, унинг маҳсулотига харидор топиш ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳам ана шу эзгу мақсаднинг муҳим таркибий қисмидир.

Зеро, инсон қадри унинг имкониятларига ишонч билдирилганда, меҳнати муносиб баҳоланганда янада юксалади. «Инсон учун» кўргазма-савдоси эса меҳнатга эҳтиром, тадбиркорликка кўмак ва ҳар бир инсоннинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун имконият яратиш йўлидаги амалий қадамлардан бири бўлди.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Пенсия тизимини такомиллаштириш:

Янги таклифлар нимани кўзда тутади?

Айни пайтда Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим таклифлар жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилган. Лойиҳада назарда тутилган таклифлар жамоатчилик, мутахассислар ва манфаатдор томонларнинг фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, таклифлар бугунги пенсионерларнинг ҳуқуқларига дахл қилмайди. Тайинланган пенсиялар қайта кўриб чиқилмайди, барча ўзгаришлар босқичма-босқич ва жамоатчилик муҳокамаси орқали амалга оширилади, энг кам пенсия кафолати тўлиқ сақланади.

Таклиф этилаётган муҳим ўзгаришлардан бири пенсия миқдорини ҳисоблашда инобатга олинадиган иш ҳақи даврини кенгайтириш билан боғлиқ.

Амалдаги тартибга кўра, пенсия ҳисобида иш ҳақининг сўнгги давридаги 5 йиллик кўрсаткич инобатга олинади. Лойиҳада ушбу даврни босқичма-босқич 20 йилгача ошириш таклиф этилмоқда. Бунда ҳисобга олинадиган давр ҳар йили бир йилдан кенгайтириб борилади. Шунингдек, ҳисоб-китобда иш ҳақи энг кам бўлган 10 фоизлик қисми чиқариб ташланиши ва 2016 йилдан кейинги электрон маълумотлардан фойдаланиш назарда тутилмоқда. Мазкур ёндашув пенсия миқдорини фуқаронинг узоқ йиллик

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



меҳнат фаолияти, иш ҳақи, иш стажи ҳамда тўланган ижтимоий солиғи билан янада узвий боғлашга қаратилган.

Шу билан бирга, пенсия ҳисобида инобатга олинадиган иш ҳақининг юқори чегарасини амалдаги 12 баравардан 13 бараварга ошириш, яъни мазкур чегарани 6,6 миллион сўмга етказиш таклиф этилмоқда.

Бугунги кунда рақамлаштириш барча соҳаларда бўлгани каби пенсия таъминоти тизимида ҳам муҳим йўналишга айланмоқда. Тақдим этилган таклифларга кўра, 2027 йилдан бошлаб Пенсия жамғармаси томонидан кўрсатиладиган 25 турдаги хизматнинг барчасини электрон ва проактив шаклга ўтказиш режалаштирилмоқда.

Бу жараёнда сунъий интеллект технологиялари, автоматлаштирилган колл-марказ ҳамда «Пенсия» мобиль иловасини жорий этиш кўзда тутилган. Фуқаро ягона пенсия профили орқали ўзининг иш стажи, тўланган ижтимоий солиғи ва кутилаётган пенсияси ҳақидаги маълумотларни кўриши мумкин бўлади. Агар иш стажида камчиликлар аниқланса, бу ҳақда олдиндан хабардор қилиш имконияти ҳам яратилади.

Жамоатчилик муҳокамасида кенг эътибор қаратилаётган масалалардан яна бири – пенсия ёшини босқичма-босқич ошириш таклифидир. Лойиҳа бўйича 2028 йилдан бошлаб пенсия ёшини ҳар йили уч ойдан ошириб бориш таклиф қилинмоқда. Натижада 2039 йилга келиб эркаклар учун пенсия ёшини 63, аёллар учун 58 ёшга етказиш кўзда тутилган. Шунингдек, пенсия ёшига яқин бўлган фуқароларни меҳнат муносабатларида ҳимоя қилишга қаратилган кафолатлар ҳам назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда, пенсия тайинлаш учун зарур бўлган энг кам иш стажини 2027 йилдан бошлаб ҳар йили бир йилдан ошириб бориш ва 2034 йилга келиб 15 йилга етказиш таклиф қилинмоқда (амалда 7 йил). Зарур иш стажини тўплай олмаган шахслар учун эса ёшга доир нафақа тизими сақлаб қолиниши назарда тутилган.

Меҳнат бозорида ўзини ўзи банд қилиш шакли кенгайиб бораётгани инобатга олиниб, мазкур тоифадаги фуқароларнинг пенсия ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар ҳам киритилган. Жумладан, ўзини ўзи банд қилган шахслар учун ижтимоий бадалларни мажбурий тартибда тўлаш таклиф этилиб, бунда бадал миқдорини оширмасдан бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти сақлаб қолинади. Бунинг эвазига фуқаролар пенсия ва иш стажидан ташқари, меҳнатга лаёқатсизлик ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари каби ижтимоий кафолатларга ҳам эга бўлади.

Қолаверса, фуқароларнинг келажакдаги пенсия таъминоти учун қўшимча маблағ жамғаришини рағбатлантириш мақсадида ихтиёрий равишда жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш режалаштирилмоқда.

Айни пайтда ушбу таклифларнинг барчаси муҳокама босқичида. Шу сабабли фуқаролар учун расмий манбалар орқали ахборотларни кузатиб бориш, таклифларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш ва жамоатчилик муҳокамасида фаол иштирок этиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур таклифлар ҳар бир фуқаронинг меҳнат ҳиссаси муносиб баҳоланадиган, адолатли, замонавий ва келгуси авлодлар учун ҳам барқарор пенсия тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Азамат ЯКУБОВ,
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси шўъба мудири

Қилмиш-қидирмиш

Криптоактив ортидаги қонуний масъулият

Телефон экранида бир нечта рақам, электрон ҳамёндаги рақамли активлар, бир неча босиш орқали амалга оширилган операциялар... Бугун булар кимгадир оддий молиявий жараён бўлиб кўриниши мумкин. Аммо рақамли муҳитда амалга оширилаётган ҳар бир ҳаракат қонундан ташқарида қолмайди. Айниқса, криптоактивларни тегишли лицензиясиз олиш, ўтказиш ёки айирбошлаш қонун билан белгиланган тартибни бузиш жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судида кўриб чиқилган икки жиноят иши ҳам ана шу ҳақиқатни яна бир бор кўрсатди.

Жумладан, биринчи ишда 2008 йилда туғилган, муқаддам судланмаган М.А. мобиль телефонидаги криптовалюта ҳамёнлари орқали криптоактивларни олиш, ўтказиш ва айирбошлаш билан боғлиқ кўплаб операцияларни қонунни четлаб ўтган ҳолда амалга оширгани аниқланган. Тергов жараёнлари натижасига кўра, ушбу операцияларнинг умумий қиймати 176,9 миллион сўмдан ошган.

Суд айбланувчини Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбли деб топиб, унинг вояга етмагани, муқаддам судланмагани, айбига иқрор бўлгани, қилган ишидан пушаймонлиги, мактаб ўқувчиси экани ҳамда оилавий шароити каби ҳолатлар инобатга олинган ҳолда БҲМнинг 10 баравари миқдорида жарима тайинланди.

Яна бир ишда эса 2005 йилда туғилган фуқаро И.К.нинг мобиль телефон орқали турли криптоҳамён ва профиллардан фойдаланиб, криптоактивларни олиш, ўтказиш ҳамда айирбошлаш билан боғлиқ кўплаб операцияларни ноқонуний амалга оширгани кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, 2024 йил май ойидан 2025 йил июль ойига қадар турли профиллар орқали криптоактивлар бир неча ўнлаб маротаба ўтказилган. Жумладан, айрим операцияларда 0,029496 бирлик криптоактив 706 минг 134 сўмга харид қилинган, бошқа ҳолатларда эса криптоактивлар 65 минг сўмдан ортиқ қийматда сотилган.

У Жиноят кодексининг 278⁸-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбдор деб топилди ва БҲМнинг 50 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Бугун криптоактивлар ҳақида гап кетганда, кўпчиликнинг кўз олдига мураккаб дастурлар, электрон ҳамёнлар ва телефон экранидаги рақамлар келади. Аммо ҳуқуқ олдида қайси тугма босилгани эмас, айнан қандай фаолият амалга оширилгани муҳим.

Мазкур ҳолатлар ҳам криптоактивлар билан боғлиқ фаолиятнинг шунчаки интернетдаги оддий олди-сотди эмаслигини кўрсатади. Рақамли кўринишда амалга оширилгани билан бундай операциялар қонунчиликда белгиланган чекловлардан ташқарида қолмайди.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

Талаба кундалигидан

Ижодкорнинг олтин дафтари

Кузнинг биринчи кунлари, салқин шабада, қуёш нурларининг кучсиз тафти, тонгги шудринглар, булутли осмон ҳаётимизга аста-секинлик билан кириб келаётган бўлса-да, Адиблар хиёбонидаги дарахтлар ҳали ям-яшил, бирор дона сарғайган барг аралашмаган, гуркираб, ўзининг яшнаган ҳолидан масъуд турарди. Ўтган ёш-яланг ҳали ёзги кийимда, ёши ўтинқираган баъзиларгина эгниларига енгил нимча ташлаб олишган. Ҳаво бирам ёқимли, майин, мусаффо, тоза, симириб-симириб нафас олгиси келади кишининг. Мана шундай ям-яшил боғ қўйнида устознинг келишини кутиб турардим.



▼ Эссе

Ҳаётда шундай инсонлар бўлади: улар сенга қалбан қариндош, меҳри, меҳнати, вақти, эътибори, эътирофи беминнат; натижангдан манфаатларсиз қувонади; хато қилсанг, сендан олдин ечим излайди, ҳаволансанг “қулоғингдан енгилгина чўзиб қўяди”; ғалаба қозонишинг учун бор машаққатни ўз елкасига олишга тайёр туради. У – устоз. Ҳа, у – ота ардоқлангани каби, она алқангани каби кўп-кўп мақтовлар билан шарафланувчи устоз. Худо мени энг яхши устозлар билан мукофотлаган, дея ғоҳ-ғоҳида ғурурланиб қўяман.

Муҳаммад Исмоил 2019 йил – Ҳалима Худойбердиева номидаги Ижод мактабига қабул қилинганимдан буён нафақат шоир, балки шогирдларига қалбидаги бор илмни, маърифатни, ижодга муҳаббат берувчи сифатида шууримга, хотирамга ўрнашган. Етти йилдирки, ҳар гал парвозга шайлансам, қанот бўлиб беради. 6-7-синф пайтим ҳар куни шеър ёдлар, устозга кириб гулдираб айтиб берар эдим. Устоз эса эринмай, ҳар бир сўз мағзини чақиб, ифодали ўқиш санъатини ўргатар эди. ”Ҳар бир шеър бу санъат асаридир. Шеърни ўқиш ҳам санъат даражасига кўтарилиши керак”. Шеърни ўқиганда, шеърнинг руҳига киринг, ўша руҳнинг овози бўлинг. Ҳайқириш керак бўлса ҳайқиринг, пичирлаш керак бўлса, пичирлаб ўқинг, хонанда қўшиқ айтиб қанча шон-шуҳрат топса, шеърни яхши ўқиган одам ҳам шунча шон-шуҳрат топиши мумкин,” дердилар.

Бугун мен олийгоҳ талабасиман. Бу катта йўлда қанча машаққат, қанча қувонч кутяпти, билмайман, аммо қандай йўл бўлмасин, устозларнинг насиҳати йўлимда машъала бўлишига ишонаман. Мен, Муҳаммад Исмоил олдига ҳар сафар ўқувчи бўлиб келар, ўқувчи бўлиб мақтовлар эшитар, ўқувчи бўлиб хатоларимни англардим. Лекин бу гал илк бор олийгоҳ талабаси сифатида учрашяпман.

Устоз ҳар доимгидек айни айтилган вақтда етиб келдилар. Кўришдик. Талаба бўлганим билан қизғин табрикладилар. “Бугундан олтин даврингиз бошланди” дедилар.

Устоз билан суҳбат давомида Ижод мактабидаги ширин воқеаларни эсладик: Илк битирувчи синф учун уюштирилган мўъжизавий битирув оқшоми, “Эртош” тоғларининг энг баланд чўққисига чиққанимиз, ям-яшил, зилол Нефрить кўлига синфдошлар билан қилган мароқли саёҳатимиз – барчаси худди куни кеча бўлиб ўтгандек хотирамизда гавдаланди. Ўша масрур онларни эслар эканмиз, устознинг юзидаги табассумни кўриб, фидойилик ва бир дунё меҳрни, кўринмас ришталар чамбарчас боғлаб турган яқинликни ҳис қилдим. Айниқса, синфдошларим ҳаммаси олийгоҳга киришганлигини айтганимда ўз фарзанди ютуғини эшитгандай яшнаб кетдилар. Тушуниб етдим: устоз зоти шундай зотки, касбига садоқат мажбуриятдан эмас, кўнгил буйруғидан шаклланади. Ўқитувчилик ҳам оддий касб эмас, беморни даволаш учун шифокорга қанча билим, тажриба, истеъдод керак бўлса, бир болани тарбиялаб вояга етказиш учун устозга ҳам худди шунча билим, тажриба, истеъдод керак экан. Муҳаммад Исмоил ана шундай меҳридарё устоз.

Айниқса, устоз: “Энди сиздан мактаб ўқувчисининг ижодини эмас, университет талабасининг – шарафли йўл йўловчисининг ижодини кутишади, шунга яраша ҳаракат ва масъулият бўлиши керак”, деганларида елкамдаги ишонч юки икки ҳисса кўпайди. Устоз айтганларидек, журналист, шоир, ёзувчилар кўп, лекин ўз сўзи, ўз таъсир қамровига эга бўлганларнигина адабиёт майдонида мустаҳкам ўрни бўлади. ”Энди сизнинг ҳаваскор ижодкорлик даврингиз тугади, энди сиз профессионал ижодкор даражасига кўтарилишингиз керак. Энди бўш шеър ёсангиз сизни кечиришмайди. Кечирмайдиганларнинг биринчиси мен бўламан, ижод бу машаққат ва меҳнат йўлидир” деган сўзлари, мен учун ҳеч қачон унутилмайдиган насиҳат бўлди.

Журналистика йўналишида ўқиётганлигим учун тажриба ва билимларини бўлишишини, касбий таълимни амалий тарзда беришларини айтганларида шогирд сифатида жудаям қувондим. Қўлига микрофон ушлаган одам ўзини журналист деяётган, кўчада одамларга енгил-елпи саволлар бериб, машҳурликка эришаётган "мухбир"лар кўпайган бир пайтда элу юрт учун манфаатли ижодий ишлар қилишга чорлашлари – устознинг ўз касбига жонкуярлигидан далолат. Муҳаммад Исмоил жуда кўп давлатларда бўлганлиги учун ҳам “Саёҳатнома” – мақола, бадиалари, рисолалари талайгина. Бошқа давлатга саёҳат қилганда кўп нарсани кўра олиш ва уни қоғозга моҳирона муҳрлаш ижодкорнинг маҳоратидан далил беради. Шу аснода устознинг ғаройиб таассурот-хотиралари жамланган қатор дилкаш асарлари доимо катта қизиқиш билан ўқилади.



Устоз бу йўлларни аллақачон босиб ўтганлиги, касб машаққатини ҳис этганлиги, қайси йўл тўғрилигини билгани боис мен учун жон куйдириб гапирардилар: “Орамизда шундай инсонлар бор: Ўзбекистон учун катта ишлар қилган, ўнлаб романлар ёзган, катта кашфиётлар қилган, том-том фалсафий асарлар ёзган, академик даражасига кўтарилган, миллатнинг маънавий ҳаётида бурилишлар ясаган, ҳамма улардан ўрнак олиши керак, лекин халқ уларни танимайди; улар бугунги куннинг жадидларидир, уларга олтиндан ҳайкал қўйсангиз арзийди, лекин матбуотда ёритилмайди, уларни телевизорда кўрмайсиз, газеталар улар ҳақида шов-шув кўтармайди. Эътибордан четда, матбуот марказида енгил-елпи қўшиқ айтган хонандалар, бақироқ актрисалар, оғзи шалоқ вайнерлар, ачиган сериаллар... Журналистлар медиамиздаги ана шу ачинарли ҳолатни тузатишлари керак.”

Устоз бу борада анча сўзладилар. Матбуотнинг шон-шарафи, асл вазифасини тиклаш учун фидокорона курашга отланган толмас курашчидай кўринди кўзимга. “Биз шу адабиётнинг бир вакили сифатида сўзнинг қадр-қиймати нақадар улуғлигини билишимиз шарт,” деганларида англадимки, бу шарафли йўлнинг тошу тарозиси биз ўйлаганимиздек кичкина эмас экан. Адолатни, ҳақиқатни англаб туриб айта олмаслик – қўрқоқлик ва виждонсизлик экан. Ҳақиқатни айтиш йўли – миналар кўмилган йўл экан. Шунинг учун бу йўлдан ҳамма ҳам юравермас экан.

Ўша кунги дилкаш суҳбатимиз қарийб икки соат давом этди. Кетар чоғим, устоз “Суҳбатимизнинг неча фоизи ёдингизда қолди,” дедилар. Мен “ҳаммаси”, дедим ғурурланиб. “Дунёда энг хиёнаткор нарса бу хотира бўлади. Агар суҳбатимизнинг ўн фоизинигина бўлса-да қоғозга тушира олсангиз, сиздан жуда миннатдор бўлар эдим, хотирангизга тасаннолар айтар эдим, – дедилар. – Ҳаётдаги ҳар бир воқеани ҳар куни ёзиб борадиган, ижодкорнинг олтин дафтари бўлади”.

Шу алфозда, ҳозир сиз ўқиб турган бадиҳа дунёга келди. Ҳозир шуларни ёзиб турганимдан хурсандман. Мен ҳам ўзига эрк берган эринчоқман. Устоз айтмаганда, балки ёзмас эдим. Ва англадимки, қанчадан-қанча қизиқарли воқеаларни ёзмай хотирамиздан ўчириб юборяпмиз, бугунги кун эртага ҳеч қачон такрорланмаслигини жуда кеч англаяпмиз. Бу таклиф менга устознинг галдаги сабоғи бўлди.

Илк бор танишганимда бешинчи синфда ўқирдим. Муҳаммад Исмоил ўша пайтдаёқ ҳамма танийдиган, кўпчилик ардоқлайдиган ижодкор эди. Аммо мен билан ўз тенгдоши билан суҳбатлашгандек суҳбатлашар, “ижодда, адабиётда ёши катта, ёши кичкина деган гап йўқ, фақатгина яхши шеър ёки ёмон шеър деган гап бор, ўн ёшли бола баъзида етмиш ёшли тажрибали шоирдан яхшироқ ёзиши мумкин” дерди. Устоз, бугун ҳам мен билан ўзи сингари катта мақомдаги ижодкор билан сўзлашгандай эҳтиром билан суҳбатлашгани беихтиёр, ҳурматимни оширди.

Автобус бекати томон кетар эканман, бир қанча адабий режалар туза бошладим. Устоз қанча истасангиз, шунча ишонч бераверар экан, раҳматингизга илҳақ бўлмас экан. Зеро, натижамиз билан билдирилган миннатдорлик энг гўзали бўлишига шубҳа йўқ.

Зулҳаё МИНГБОЕВА,
ЎзЖОКУ талабаси

ЗОМИНГА САЁҲАТ

Корхона ва ташкилот ишчи-ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, жамоада дўстона муҳитни янада мустаҳкамлаш мақсадида “Ҳудудгаз Тошкент” ГТФ бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси томонидан иш берувчи билан ҳамкорликда ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун экосаёҳат ташкил этилди.







▼ Экотуризм

Филиалнинг 20 нафар ходими ва уларнинг оила аъзолари Жиззах вилоятининг сўлим гўшаларидан бири Зомин миллий табиат боғига ташриф буюриб, мусаффо тоғ ҳавоси, қалин арчазорлар ва бетакрор табиат манзараларидан баҳраманд бўлдилар.

Шунингдек, Қирққиз шаршараси ва Ҳисор тоғ тизмаларига уюштирилган сайрлар барчада катта таассурот қолдирди. Замонавий экстремал аттракционлар, хусусан, осма кўприкдаги қизиқарли лаҳзалар саёҳатчиларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбир давомида маҳаллий гастрономик анъаналарга ҳам эътибор қаратилди.

Табиат қўйнида мазмунли ҳордиқ чиқариш жамоада дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва ишдан бўш вақтни самарали ташкил этишга хизмат қилди.

Ҳамдам ЮСУПОВ,
“Ҳудудгаз Тошкент” ГТФ
бошланғич касаба уюшмаси раиси

Донишмандлар дейдиларки...

Бу дунёда ҳақиқатни гапиришдан қийинроқ нарса йўқ, хушомад қилишдан осонроқ нарса йўқ.

Достоевский.

* * *

Сиз биринчи қадамни қўйинг. Қандай йўллар очилишини кейин кўрасиз.

Стив Жобс.

* * *

Агар сиз буюк ишлар қила олмасангиз, кичик ишларни буюклик йўлида қилинг.

Наполеон Ҳилл.

* * *

Аҳмоқ ундан сўралмаган нарсалар ҳақида кўп гапиради.

Афлотун.

* * *


Ҳар ким ҳам хато қилиши мумкин, фақат телба одамларгина хатосини тан олгиси келмайди.

Жюл Верн.

* * *

Ўз хатоларингни тан олишдан уялма, акс ҳолда, улар жиноятга айланади.

Конфуций.



Умр ўтар, вақт ўтар...

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis: TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (*tahrir hay’ati raisi*),
Abdusamad NOSIROV, G‘afurjon MUHAMEDOV, Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV, Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV, Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV, Otabek SULTONBEKOV, G‘ayrat SHERALIYEV, Kumush EGAMBERDIYEVA, Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
To‘xtamurod HASANBOYEV

Navbatchi:
Zikrilla MUHAMMAD

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Qabulxona: (55) 520-64-95. **Bosh muharrir o‘rinbosari:** (55) 520-04-10.
Mas’ul kotib: (55) 520-05-10. **Bo‘lim muharrirlari:** (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi: (55) 520-21-20.
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2. **ISSN 2010-9318.**

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 19:50. Nashr ko‘rsatkichi – 205.
6 882 nusxada chop etildi. Hajmi – 3 taboq. Buyurtma G-935.
Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6